

**ОЛМА БОҒЛАРИДА УЧРАЙДИГАН ЗАМБУРУҒЛИ  
КАСАЛЛИКЛАРНИНГ ТУР ТАРКИБИ, БИОЛОГИЯСИ  
ЎРГАНИЛГАНЛИК ҲОЛАТИ**

**Ходжамкулова Ситора Сулаймановна**

*Термиз давлат муҳандислик ва агротехнологиялар университети ассистенти  
қ.х.ф.ф.д, PhD*

**Абдуллаев Мухторжон Бобир ўғли**

[muxtorjon0641@gmail.com](mailto:muxtorjon0641@gmail.com)

*Термиз давлат муҳандислик ва агротехнологиялар университети магистри*

**Аннотация:** Бу мақолада олма боғларида учрайдиган замбуруғли касалликлар уларнинг биологияси тур таркиби, биоэкологияси ҳамда морфологияси илмий тадқиқотлар таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар :** монилиоз, калмараз, ун-шудринг, замбуруғ, нав, касаллик, намлик, ҳарорат, уруғ мева дарахт.

**КИРИШ.** Дунёда озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабни йилдан-йилга ортиб бориши кишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш ҳажмини янада кенгайтириш ва юқори сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан доимий таъминлашни талаб этади. Дунё бўйича бугунги кунда 4,9 млн. гектар майдонда олма боғлари мавжуд бўлиб, 83,1 млн. тоннагача олма ишлаб чиқарилади. Ўзбекистонда барча вилоятларда учрайди.

**Касалликнинг зарари.** Республикамизнинг мевали боғлари орасида 65,0 фоиздан кўпроғини олма боғлари ташкил этади. Биологик хусусиятларига кўра олманинг тур ва навлари бир-биридан фарқ қилади, муҳит ва шароитга тез мослашади.

Жанубий ҳудудларимизда олма дарахтлари калмараз (парша), ун шудринг, монилиоз, қора рак, бактериал рак, бактериал куйиш ва бошқа бир қанча касалликлар билан зарарланмоқда. Олмада калмараз (парша) касаллиги дунёнинг барча мамлакатларида, жумладан Марказий Осиё давлатларида ва Ўзбекистоннинг барча вилоятларида тарқалган. Касаллик олма дарахтларининг барг, гулкосабарглари ва меваларини, барг ва мева бандларини, камроқ ҳолларда новда ва куртак тангачаларини (қобикларини) зарарлайди. Барглارнинг пастки томонида жигарранг, кулранг ёки зайтун-яшил тусли доғлар ривожланади. Битта барг устида битта - иккитадан бир неча юзтагача доғлар пайдо бўлиши мумкин.

Вақт ўтиши билан улар ўсади, йириклашиб, қўшилиб кетади, доғ остидаги ҳужайралар нобуд бўлади, натижада доғлар баргларнинг пастки томонидан ҳам кўринади. Усти доғлар билан тўлиқ қопланган барглар буралиб, хунук шакл олади ва тўкилади.



**1-расм. Калмараз билан касалланган барги ва меваси.**

**Олмада касалликларнинг ўрганилганлик даражаси.** Олма боғларида касалликларни ўрганиш ва уларга қарши кураш чораларини яратиш бўйича хорижий давлатларда R.Aderhold, P.Magnus, D.F.Fisher, K.T.Lask, A.R.Biggs, K.D.Hickey, K.S.Yoder, G.N.Agrios, Ўзбекистонда Т.С.Панфилова, У.Я.Набиев, О.Хўжаев, Н.Мамедов,; А.Марупов, Ф.М.Бойжигитов ва А.А.Рахматов каби бир қанча олимлар илмий-тадқиқотлар олиб боришган. Олманинг ун шудринг касаллигини қўзғатувчи замбуруғ биринчи бўлиб Р.Мagnus томонидан аниқланган. XIX асрнинг охирларида бу касаллик бутун Германия худудида кузатилиб, у ердан Марказий Европа давлатларига, Швеция, Англия, Шарқий Европада Россияга тарқалган.

Россиянинг Жанубий Урал, Алтай, Сибир, Краснодар ва Ставрополь худудларида уруғ мевали дарахтлари монилиоз касаллиги билан юқори даражада зарарланган. Зарарланиш 50 - 100% ни ташкил этг

Аммо, республикада жанубий худудларда олма боғларида учрайдиган касалликлар ва уларга қарши кураш чораларини ишлаб чиқиш бўйича илмий изланишлар етарлича олиб борилмаган.

**Хулосалар:** Республикамизнинг жанубий худудларида етиштирилаётган олма боғларида калмараз (парша), ун шудринг ва монилиоз касалликлари кенг тарқалган бўлиб, мевачилик соҳасига катта иқтисодий зарар етказмоқда.

Шуларни инобатга олиб, олма боғларида учрайдиган касалликларни аниқлаб, лаборатория шароитида касаллик қўзғатувчи замбуруғларни ажратиб олиб, уларнинг тур таркибини ўрганиб, уларга қарши янги фунгицидларни турли

меъёр ва муддатларда синаб, юқори самара берган препаратларни ишлаб чиқаришга тавсия этиш мақсад қилиб белгиланади.

**Тавсия қилинган асосий адабиёт манбаалари:**

1. Ҳамраев А.Ш., Азимов Ж.А., Ниёзов Т.Б. ва б. Боғ, токзорларнинг заракунандалари, касалликлари ва уларга қарши кураш тизими. Тошкент: “Фан”, 1995, 160 б.
2. Набиев Ў. Мевазор ва токзорларнинг заракунанда ҳамда касалликлари ва уларга қарши кураш. Тошкент: “Ўзбекистон”, 1974, 48 б.
3. Ҳасанов Б.А., Очиллов Р.О., Холмуродов Э.А., Гулмуродов Р.А. Мевали ва ёнғоқ мевали дарахтлар, цитрус, резавор мевали буталар ҳамда ток касалликлари ва уларга қарши кураш чоралари. Тошкент: “Оффисе Принт”, 2010, 316 б.